



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “26 ” mart

Қ-236 -son

Termiz sh.

**Қумқўрғон туманидаги Н.Мирзаев СИУ
“Янги авлод” маҳалласи худудида
“EGAMBERDI JALOLDIN” фермер
хўжалигига чорва молларини боқиш ва
кўпайтириш мақсадида чорвачилик
комплекси қуриш учун рухсат бериш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонида, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 05 январдаги 05-02/11-сон йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2021 йил 04 январдаги 02-сон хулосаси, Қумқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 30 ноябрдаги 282/01-33-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Қумқўрғон туманидаги Н.Мирзаев СИУ “Янги авлод” маҳалласи худудида “EGAMBERDI JALOLDIN” фермер хўжалигига қарашли қишлоқ хўжалик харитасининг 607қ-дала контуридаги 1,0 гектар яйлов ер майдонига чорва молларини боқиш ва кўпайтириш мақсадида чорвачилик комплекси қуриш учун рухсат берилсин.

2. “EGAMBERDI JALOLDIN” фермер хўжалиги 1,0 гектар яйлов ер майдонига чорва молларини боқиш ва кўпайтириш мақсадида чорвачилик комплекси қуриш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 12 600 180 (ўн икки миллион олти юз минг бир юз саксон) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги таъинчилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов)га рухсат

берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботиغا тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов